

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 2019- 2022 ЙИЛЛИҚДА БАЧАДОН БЎЙНИ САРАТОНИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШ ВА ЎЛИМ КЎРСАТГИЧЛАРИ

Захирова Н. Н.

Джанклич С. М.

Ахмедов О. М.

Туйчиева С. Ш.

Республика Ихтисослаштирилган Онкология ва  
Радиология Илмий-Амалий Тиббиёт Маркази

Республика Ихтисослаштирилган Онкология ва Радиология Илмий-Амалий Тиббиёт  
Маркази

**Мақсад:** Ўзбекистон Республикасида охирги йил ичида бачадон саратони бўйича асосий статистик кўрсаткичларни таҳлил қилиш.

**Материал ва усуллар:** Республикамизда 2019-2022 йиллар давомида бачадон буйни саратони бўйича асосий статистик кўрсаткичлар (“Хавфли ўсма касалликлари тўғрисида маълумот” 7-ССВ шакли).

**Натижа:** Ўзбекистон Республикасида онкологик касалликлар структурасида ББС (Бачадон буйни саратони) онкологик касалликлар ичида иккинчи ўринни эгаллайди. ББС билан касалланиш сонини ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 2019-2022 йиллар биринчи бор касалланиш сони ортиб борган. Тиббий курикда аниқланиш сони ортган. Эрта босқичда касалликларни аниқланиш сони ортиб, кечки босқичда аниқланиш камайган. Беш йиллик яшаш кўрсаткич ошиб, леталлик камйган.

**Хулоса:** Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасида ББС билан касалланиш ўсмоқда деб хулоса қилиш мумкин, скрининг текшируви билан боғлиқ дейиш мумкин.

**Калит сўзлар:** Бачадон буйни саратони (ББС), хавфли ўсмалар, касалланиш, леталлик

### Кириш

Бугунги кунда ноинфекцион касалликлар (НИК) кўпчилик глобал касалликларнинг асосий сабабини ташкил этса, хавфли ўсмалар (ХЎ) ўлимга олиб келувчи бош сабаблардан бири бўлиб, 21 асрда бутун дунёда ҳаёт давомийлигини оширишга тўсқинлик қиладиган ягона муҳим тўсиқ бўлиб ҳисобланади. Бачадон буйни саратони соғлиқни сақлаш тизимидаги жиддий муаммо бўлиб, онкологик касалликлар ўртасида иккинчи ўринни эгаллайди.

ББС билан юқори ўлим кўрсаткичининг асосий сабабларидан бири ушбу касалликни кечки босқичларда аниқланиши ҳисобланади. Бу диагностика сифатининг қониқарли эмаслиги, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи звеносида ишловчи умумий амалиёт

шифокорлари орасида онкологик эҳтиёткорликнинг мавжуд эмаслиги, бундан ташқари беморларнинг паст тиббий маданияти ва бунинг оқибатида ихтисослаштирилган клиникаларга кеч мурожаат қилиши, оқибатда бундай беморларга ўз вақтида ва керакли тиббий ёрдамни кўрсата олмаслик билан тушунтирилади.

Шундай қилиб, турли манбаълардаги адабиётларни қисқа таҳлили ББС билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари бутун дунёда ўсиб бораётганлигини кўрсатди, бу эса ушбу патология билан курашиш муаммосини актуаллигини кўрсатади.

### Мақсад

Ўзбекистон Республикасида охириги 4 йилликда бачадон ББСни билан касалланиш, ўлим, кечки аниқланиш ва 5-йиллик яшовчанлик кўрсаткичлари таҳлилини ўтказиш.


### Материал ва усуллар

Республика Ихтисослаштирилган Онкология ва Радиология Илмий Амалий Тиббиёт Марказлари филиаллари томонидан тақдим этиладиган Республикамиздаги ББС ҳақидаги барча статистик маълумотлар қайд этилган Ўзбекистон Республикаси ССВтомонидан қабул қилинган 7SSV «Хавфли ўсма касалликлари ҳақида маълумот» назорат-ҳисоб ҳужжат шакли изланишимизнинг объекти ҳисобланади.

### Натижалар

Ўтказилган изланишлар, ББС билан касалланиш сони Ўзбекистонда ўсиб бораётганлиги актуал муаммо эканлигини кўрсатади.

### 2019-20222020 йилларда ББС билан бирламчи касалланганлар ва тиббий кўрикда аниқланганлар (сонда)



№1 диаграмма.

### Бирламчи аниқланган ва тиббий кўрикда аниқланган


2019 йил 1815 та ва 664 та

2020 йил 1820 та ва 746 та

2021 йил 1827 та ва 811 та

2022 йил 1851 та ва 862 та

### 20-2022 йилларда ББС билан эрта ва кечки боскичларда аниқланиши (%)



### №2 диаграмма.

#### I-II ва III-IV боскичларда аниқланган:


2019 йил 60% ва 40%

2020 йил 65% ва 35

2021 йил 66% ва 34 %

2022 йил 71% ва 29 %

## 2019-2022 йил йилларда ББС билан беш йиллик яшаш курсаткичи ва леталлик курсаткичи (%)



### №3 диаграмма.

#### 5 йиллик яшаш кўрсаткичи

2019 йил 40,6%

2020 йил 40,9%

2021 йил 42,1%

2022 йил 42,4%

#### Леталлик

2019 йил 9,8

2020 йил 9,6

2021 йил 9,4

2022 йил 9,1

### Хулоса

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, охириги йилларда Республикамизда онкологик касалликлар орасида ББС ўсиб бориши билан юқори иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Касалликни ошиб бориши ва кечки аниқланиш кўрсаткичларининг камайишини ББС ини аниқлаш ва диагностика мақсадида РИОваРИАТМ мутахассисларининг ҳудудларга чиқиши билан тушунтириш мумкин. ҚС дан ўлим кўрсаткичларининг ошиши Республикамиз учун ижтимоий – иқтисодий йўқотишларга олиб келади. УТТ текшируви ва ПАП тестнинг скрининг дастурига киритилиши касалланиш кўрсаткичининг камайишига, ББС ини эрта босқичларда аниқланиши ошиши,

яшовчанлик ошиши, ўлим кўрсаткичларининг камайишига олиб келади. Ушбу изланишдан олинган статистик маълумотлар Ўзбекистон Республикасида ББС дан касалланиш ва ўлим кўрсаткичларининг яхшиланишига йўналтирилган чора – тадбирларни ишлаб чиқишда асосий база бўлиб хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Чимитдоржиева Т.Н., Писарева Л.Ф., Ляхова Н.П., Рак шейки матки: заболеваемость и смертность (лит.обзор)/ Сибирский научный медицинский журнал, том 37, №4, 2017. С 85-91
2. Государственная форма учетно-отчетной документации МЗ РУз – 7SSV «Сведения о заболеваниях злокачественными новообразованиями» за 2010-2019гг.
3. Аксель, Е. М. Статистика злокачественных новообразований женских половых органов // Опухоли женской репродуктивной системы. — 2009. — № 1–2. — С. 76–80.
4. Аксель, Е. М. Статистика злокачественных новообразований женской половой сферы // Онкогинекология. — 2012. — № 1. — С. 18–23.
5. Globocan 2018 Global Cancer Statistics 2018: GLOBOCAN Estimates of Incidence and Mortality Worldwide for 36 Cancers in 185 Countriesp 394
6. Ogilvie G, Nakisige C, Huh WK, Mehrotra R, Franco EL, Jeronimo J. Optimizing secondary prevention of cervical cancer: Recent advances and future challenges. *Int J GynaecolObstet*2017;138(suppl 1): 15–19.
7. Guo F, Cofie LE, Berenson AB. Cervical cancer incidence in young u.s. females after human papillomavirus vaccine introduction. *Am J Prev Med* 2018; 55:197–204
8. WHO. Global strategy towards the elimination of cervical cancer as a public health problem. 2019. <https://www.who.int/docs/defaultsource/documents/cervical-cancer-elimination-draft-strategy.pdf> (accessed Nov 27, 2019).
9. Loos AH, Bray F, McCarron P, Weiderpass E, Hakama M, Parkin DM. Sheep and goats: separating cervix and corpus uteri from imprecisely coded uterine cancer deaths, for studies of geographical and temporal variations in mortality. *Eur J Cancer* 2004;
10. Arbyn M, Raifu AO, Weiderpass E, Bray F, Anttila A. Trends of cervical cancer mortality in the member states of the European Union. *Eur J Cancer* 2009; 45:2640–48.
11. Allemani C, Matsuda T, Di Carlo V, et al. Global surveillance of trends in cancer survival 2000-14 (CONCORD-3): analysis of individual records for 37 513 025 patients diagnosed with one of 18 cancers from 322 population-based registries in 71 countries. *Lancet* 2018; 391: 1023–75.